



## Ислом Нури

### Савол:

Ассалому алайкум. Аллоҳнинг йўлида ўз вақтларингизни ҳамда билимларингизни аяманган азиз биродарлар мен сизларга бир савол билан мурожаат қиляпман чунки, буни бир дўстим илтимос қилди савол қуйдагича: “Бола хали отани ихтиёридан чиқиб ўзи алоҳида иш қилиш ҳуқуқуга ўтмаган, лекин 70-80 фоиз ишни бола қилади сабаб ота болага ишонади, лекин хали мулки алоҳида бўлмаган, шунга бола отадан сўрамасдан закот берса бўладими? Чунки ота мулкни тўлиқ ҳисобламасдан ўзича бир қисмига закот берар экан, закот тўлиқ бўлмай қолади, шунга мен бериб куйсам бўладими-йўқми? Менинг ўзимни мулким йўқ, ҳозир отам ихтиёриданман” — дейди.

Жавоб берасизлар деган умид билан, шариатимиз йўлида олиб бораётган ишларингизга Аллоҳ таолодан мадад сўраб қолувчи диндош биродарларингиз Абдулазиз.

### Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу. Ҳурматли биродаримиз Абдулазиз, ахволларингиз яхшими, тинч-омон юрибсизми.

Сизнинг сўнги хатингизни олдик, аввалги хатингиз ҳам эътиборимиздан нарида эмас. Авваламбор бунга жавоб берсак, сиз айтган биродар отасига закотни тўлиқ бермаётганини эслатсин, агар бу фойда қилмаса отасининг изнисиз ҳам молнинг закотини тўла қилса зарари йўқ. Чунки бу биродаримиз ушбу қилмиши билан отасини, қолаверса ўзини охиратдаги закот бермаган кишиларнинг ёмон оқибатидан сақлаб қолади. Шоядки, отаси ўғлининг бу





## Ислом Нури

соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир тилла ва кумуш эгаси уларнинг ҳаққини (яъни закотини) адо этмаса, қиёмат куни ўтдан бўлган тамға қилиниб, уни жаҳаннам оловида қиздирилиб, у кишининг биқинига, пешонасига, орқасига босилади. Совуб қолса, яна қайтадан (қиздириб) олиб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради». «Ё Расулуллоҳ, туячи?», деб сўралди. «Туялар эгаси ҳам агар уларнинг ҳаққини адо этма (закотини берма)са – (яйловдан) келган куни сути(ни соғиш) ҳам ҳаққидандир – қиёмат куни уни кенг текисликка туялар оёғи остига ташланади, бирорта боласи ҳам қолмай, ҳаммаси уни оёқлари билан эзғилаб, тишлари билан тишлашади, охиргиси ўтиб кетгач, яна биринчисини қайтариб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, мол-қўйларчи?», деб сўралди. «Мол ва қўйлар эгаси уларнинг ҳаққини адо қилмаса, қиёмат куни уни кенг текисликка уларнинг туёқлари остига ташланади, бурама шохлиги ҳам, шохсизи ҳам, шохи сингани ҳам қолмай, ҳаммаси уни шохлари билан сузиб, туёқлари билан эзғилашади, охиргиси ўтиб кетгач, яна биринчисини қайтариб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради», дедилар... (Имом Муслим ривояти).

Энди ўзингизнинг саволингизга келсак, сизга укангиз эслатган ҳадис тўғри, саҳиҳ ҳадис. «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари ичидан етмиш минг киши ҳисобсиз ва азобсиз жаннатга кириши ҳамда улар руқя қилдирмайдиган (дам солдирмайдиган), куйдириб



## Ислом Нури

даволанмайдиган, шумланмайдиган ва Роббиларига таваккул қиладиган кишилар эканини айтганларида Укоша ибн Миҳсон ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳга дуо қилинг, мени ўшалардан қилсин», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен ўшалардансан», дедилар (муттафақун алайҳи). Бироқ катта олимларнинг сўзларига кўра руқия қилувчи-дам солувчи 70000 қаторига кирaveraди, улар қаторидан чиқувчи кишилар дам солиб қўйишни талаб қилган кишилардир. Чунки, улардаги Аллоҳ таъолога бўлган таваккул заифлашган, бунинг натижасида Аллоҳнинг тақдирига сабр қила олмасдан, тезроқ шифо топиш учун дам солдиришга шошилган, шу сабаб 70000 лар қаторидан чиқиб қолган. Дам солинганда шифо топилишида шак-шубҳа йўқ, бу ҳадис азми қарори қаттиқ бўлган, мусибат етганда сабр қиладиган, саботли мусулмонлар ҳақида айтилган. Бу каби инсонларнинг камёблигидан уларнинг сони 70000 та, холос. Сиз бир ўйлаб кўринг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бери неча миллион балки миллиард мусулмон яшаб ўтди, қиёматгача яна қанчаси яшайди. Шундай бўлсада инсон ўзини 70000дан биттаси қилишга ҳаракат қилмоғи лозим. Эслатиб ўтишимиз ўринли деб биламиз, уламолар етмиш мингнинг ҳар бири билан яна етмиш мингта бирга бўлади деб ҳам айтганлар.

Қуръон ва ҳадисга мувофиқ ҳолда дам солаверинг, агар Аллоҳ хоҳлаган бўлса албатта шифо беради, бу ишнинг мазкур ҳадисга алоқаси йўқ инша-Аллоҳ.